2009 йил 7 декабрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 240 (11.551)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Нукус шаҳрида «Фермер хўжаликлари фаолиятида қайта ишлашни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кооперацияни ривожлантириш» мавзуида республика кўргазмали семинари бўлиб ўтди.
- Тошкентда Ўзбекистонда молиявий инфратузилмани мустаҳкамлаш ва молиявий имконини кенгайтиришга қаратилган лойиҳанинг расмий тақдимотига бағишланган тадбир ўтказилди. Уч йилга мўлжалланган мазкур лойиҳа Жаҳон гуруҳининг аъзоси бўлган Халқаро молия корпорацияси ва Швейцария ҳукумати ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.
- Наманган шаҳрида «Goodwill KBNR» қўшма корхонаси иш бошлади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу корхона чорва моллари ҳамда паррандалар учун турли минерал модда ва дармондори маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган. Янги қувватларнинг ишга туширилиши билан бу ерда йилига 2500 тоннадан зиёд импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилади.
- Бухоро вилояти Пешку туманида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Ўзбектелеком мобайл» филиали алоқа станцияси ишга туширилди. Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ҳамкорлигида амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли эндиликда энг олис қишлоқларда яшовчи аҳоли ҳамда чўл ҳудудида истиқомат қилувчилар ҳам мобиль алоқанинг бу туридан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.
- Гулистон шаҳридаги марказий деҳқон бозорида аҳоли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун пластик карточка воситасида ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлди.
- Жомбой туманида енгил саноатда кенг қўлланиладиган елим маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ургут-Латекс-Пасаргат» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси иш бошлади. Ҳозирда ушбу корхонада бир кеча-кундузда 3 тоннага яқин маҳсулот тайёрланмоқда.
- Бухоро вилоятидаги «Шижоаттекстильмаш» тўқимачилик корхонаси жамоаси жорий йил бошидан буён 235 минг долларлик маҳсулотини экспорт қилди. Бу режалаштирилганидан кўра тўрт бор кўпроқ кўрсаткичдир. Яқинда корхонада ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш мақсадида 20 та янги иш ўрни ташкил этилди.

### ЖАҲОНДА

- Бугун Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича 15-конференцияси ўз ишини бошлади. Унда жаҳоннинг 192 мамлакатидан 15 мингга яқин давлат ва ҳукумат раҳбарлари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этмоқда.
- Боливиянинг амалдаги Президенти Эво Моралес иккинчи муддатга қайта сайланди.
- Гондурасда ўтказилган президент сайловлари натижалари чиқарилди. Сайловларда «Миллий партия»дан номзоди кўрсатилган Порвирио Лобо ғалаба қозонди. У келгуси йилнинг 27 январидан президентлик ваколатини бажаришга киришади. Айни дамда мамлакатда бу вазифани давлат тўнтаришини амалга оширишда бош бўлган ҳарбий қўмондон Роберто Мичилетти бажариб турибди.
- Шри-Ланка Президенти Махинда Ражапакса навбатдан ташқари президент сайлови ўтказилишини билдирди. Мамлакат сайлов комиссияси ушбу сана 2010 йил 26 январига белгиланганини эълон қилди. Маълумотларга кўра, бўлғуси сайловларда давлат раҳбари М.Ражапаксага ягона рақиб мамлакат қуролли кучлари қўмондони, генерал Саратх Фонсека бўлиши мумкин.
- Перм шаҳридаги тунгги клубларнинг бирида чиққан кучли ёнғин қурбонларини хотирлаш мақсадида бугун Россияда мотам куни эълон қилинди.
- Польша Ташқи ишлар вазири Р.Сикорскийнинг маълум қилишича, АҚШ Польшага «Пэтриот» жанговар ракеталарини етказиб берадиган бўлди.
- Ингушетияда рўй берган отишма чоғида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Молгобек тумани қутқарув хизмати бошлиғининг ўринбосари ҳаётдан кўз юмган.
- АҚШ маъмуриятининг Афғонистонга қўшимча ҳарбий контингент жўнатиш тўғрисидаги қарори жангариларни фаоллаштириб юборди. Жумладан, кеча бир гуруҳ жангариларнинг Покистоннинг Равалпинди шаҳрига ҳужум уюштириши оқибатида 40 киши ҳалок бўлди, 70 га яқин одам жароҳатланди. Ҳозирча ушбу қабиҳ жиноятни ҳеч қайси гуруҳ ўз зиммасига олмаган.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ғаниевлар сулоласи ота-боболаридан мерос касб—ёғоч ўймакорлиги анъаналарини давом эттириб келмоқда. Ғани отанинг набиралари ҳам ҳар доим бувасига ўхшашга интилган.



## ҚЎЛИ ГУЛ УСТА

Бувасининг ўгитлари уларнинг хотирасида бир умр муҳрланиб қолди. Ака-ука Ботир, Ҳусан ва Зокир моҳир ёғоч ўймакори, Баҳром, Тоҳир ва Зоҳид эса декоратив наққош бўлиб етишди. Ҳусаннинг ўғли Акбар, Зоҳиднинг ўғли Беҳзод ҳам ота касбини эгаллади, яна кўплаб шогирдлар етишиб чиқмоқда.

Бугун Ғаниевлар сулоласини кўпчилик яхши билади. Темурийлар давлат музейи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг катта залидаги нақшлар ва ўймакор эшиклар, Хастимом мажмуи дарвозаси, Тошкентдаги қатағон қурбонлари ва Самарқанддаги Имом ал-Бухорий меъморий ёдгорликларининг бетакрор гўзаллиги кишининг кўзини қувонтиради. Буларнинг барчаси Ғаниевлар сулоласи меҳнати самарасидир.

Давлатимиз бу қўли гул инсонлар меҳнатини юксак баҳолади. Юртбошимизнинг фармонига биноан «Устозода» халқ ҳунармандлари корхонасининг ёғоч ўймакори Ҳусан Ғаниевга «Ўзбекистон халқ устаси» фахрий унвони берилди.

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон халқ устаси Ҳусан Ғаниев.**

**Рустам Шагаев (ЎзА) олган суратлар**

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

**Манал Шах АЛКАДРИ:**

## ЎЗБЕКИСТОН – ЎЗ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИНИ ТЎҒРИ ТАНЛАГАН МАМЛАКАТ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Манал Шах АЛКАДРИ билан суҳбатлашди.**

**— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ҳиндистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам демократиянинг умумий қадриятларига ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистон минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда етакчи ўринга эга мамлакатдир. Юртингиз глобал терроризм таҳдидларига қарши курашиш борасида ҳам халқаро ҳамжамиятда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ўзаро алоқалари мустаҳкам дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида фаол ривожланиб бормоқда. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари муҳим ўрин тутади. 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг, айниқса, иқтисодий ҳамкорликнинг қамрови кенг. Ҳиндистон компанияларида юртингиз иқтисодиётига, хусусан, автомобилсозлик ва сайёҳлик соҳаларига йирик сармоя киритишга қизиқиш кучли. Жорий йилнинг октябрь ойида Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Кришнанинг мамлакатингизга ташрифи доирасида эришилган келишувлар иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратди. Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаоллаштириш, иқтисодий алоқалар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, нефть-газ, кончилик, геология, машинасозлик, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, фан-таълим, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлардан саналади.

**— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Ўзбекистондаги фаолиятим давомида халқ фаровонлигини ошириш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман. Сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда изчил ва самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жамиятни демократлаштириш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган, оқилона сиёсатга асосланган янгиланишлар юксак самаралар бераётир.

Ўзбекистонда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда ва бу борада ҳавас қилса арзигулик самараларга эришилмоқда. Нафақат шаҳарларда, балки энг чекка қишлоқларда ҳам барпо этилган, замонавий ўқув қуроллари ва техника жиҳозлари билан таъминланган таълим муассасалари, муҳташам спорт иншоотлари юртингизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Ўзбекистоннинг ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш борасидаги бой тажрибасини ўрганиш биз, ҳиндистонликлар учун ҳам фойдалидир.

Юртингизда етишиб чиққан кўплаб алломалар жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қисқа муддатда аждодларнинг бой маданий ва маънавий меросини — муқаддас қадамжолар, меъморий ёдгорликлар ва тарихий обидаларни тиклаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида ҳавас қилса арзигулик ишлар амалга оширилди. Тошкент, Самарқанд ва Навоий каби шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар кишини ҳайратга солади.

**— Шу кунларда халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигини нишонламоқда.**

— Ўзбекистон — кучли, барқарор ва ўз тараққиёт йўлини тўғри танлаган мамлакат. Халқингиз истиқлол йилларида эришган ютуқлари билан фахрланса арзийди. Мамлакатингизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қўлга киритилган ютуқлар Конституцияда белгиланган тамойиллар билан узвий боғлиқ. Конституциянгизнинг инсон манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялашга қодир, демократик тамойилларга жавоб бера оладиган адолатли қонун ҳужжати экани амалда ўз тасдиғини топган.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз Конституциясининг 17 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, юксак фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман.

**ЎзА мухбири**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**суҳбатлашди.**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.**

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Мажлисда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 13 кишидан иборат таркибдаги кузатувчилар миссиясини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциянинг ижроси тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

**Бугун**

**ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг**

**ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг**

*иккинчи саҳифасида ёритилмоқда.*

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг**

*учинчи саҳифасида ёритилмоқда.*

O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ!

***Мукаррамхон Ахадовна Азимова 1952 йилда туғилган. «Файз» холдинг компанияси бошқаруви раиси. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Сергели тумани 29-Қипчоқ сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.***



# БИЗ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛЛИК ТАРАФДОРИМИЗ

Бугун Ўзбекистон аввалambор ўзининг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият ва устувор мақсад қилиб қўйиладиган эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан оғишмай қатъият билан бормоқда.

Тарихан қисқа муддатда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида беш устувор тамойилга асосланиб миллий давлатчиликни шакллантиришда ўта муҳим ва масъулиятли қадамлар қўйилди, бунинг асосий маъно-моҳияти иқтисодиётнинг мафкурадан тўла холи бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи экани, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборатдир.

Бугун биз мамлакатимизни жадал тараққий эттириш, жамиятимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишга қаратилган узоқ муддатли мақсадли вазифаларни амалга ошириш жараёнининг янги босқичида турибмиз.

Муваффақиятларимизга танқидий баҳо берган ҳолда, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси адолатли ва кучли ижтимоий сиёсий ғоялар орқали фуқаролик жамиятини шакллантиришда доимо олға интилади.

**Депутатликка номзод Мукаррамхон Азимованинг сайловолди дастурининг устувор вазифалари учта йўналишдан иборат.**

**Биринчи йўналиш — иқтисодий соҳа:**

1. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда, шу қатори Тошкент шаҳрининг Сергели туманида ҳам чуқур илдизли иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида республикамизда қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз, чунончи, дастурда аниқ белгилаб қўйилган саноат ва энергетика тармоқларида модернизация ва маҳаллийлаштириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига имтиёзлар бериш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, банк ва кредит сиёсатини чуқурлаштириш, ёшлар ва аёллар учун қўшимча иш ўринлари ташкил этиш каби вазифалар рўёби йўлида изчил ҳаракат қилмоғимиз даркор.

2. «Файз» компанияси ушбу ҳаракат дастури орқали стратегик ривожланишни таъминлаш мақсадида саноат ишлаб чиқариши ўсишини 110 фоиздан камайтирмасдан, «Қипчоқ» округи аҳолиси учун қўшимча иш жойлари яратиш, бунда биринчи ўринда ёш мутахассислар ва аёлларни иш билан таъминлаб, уларнинг юқори ахборот технологияларини қўллаш орқали билим даражасини оширишга кўмак беришни ташкил этишга ҳаракат қилади.

3. «Қипчоқ» округи ҳудудида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида «Файз» холдинг компанияси бизнес-марказ ташкил этиш ташаббуси билан чиқади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорларга хусусий ишини очишда енгиллик беради ва бу ишда «Файз» ХК таъсисчи бўлиб иштирок этади.

**Иккинчи йўналиш — ижтимоий соҳа:**

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг мафкуравий негизи — жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ижтимоий адолат ғояларини изчил амалга оширишдан иборатдир.

1. Сергели округидан сайланган Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати билан ҳамкорликда нафақа, солиқ қонунчилигини такомиллаштириб бориш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини янада ривожлантириш каби масалалар доимо эътиборда бўлади.

2. Ижтимоий масалаларни фақат давлат ҳокимияти орқали самарали ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун бизнес тузилмаларида ижтимоий масъулликни кучайтириб, ушбу йўналишда қатор тадбирларни амалга ошириш керак.

Шу мақсадда Сергели туманида барча бизнес тузилмалари билан ҳамкорликда ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш керак, бунда маҳаллий маъмурият туман, шунингдек, «Қипчоқ» округи ижтимоий муаммоларини ҳал этади. «Файз» компанияси туманнинг ижтимоий ривожланишига масъул бўлган ҳолда, юқорида кўрсатилган жамғармага ҳар йили 100 миллион сўмгача маблағ ўтказиб боради.

3. «Файз» холдинг компанияси 2010-2014 йилларда ўз имкониятига қараб, «Қипчоқ» округи аҳолиси ва округ ҳудудидаги ижтимоий муассасалар, хусусан, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, давлат тиббиёт муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва спорт тўгаракларининг келгусидаги ривожи учун манзилли ёрдам сифатида махсус мебель анжомлари билан жиҳозлайди.

4. Ҳаракат дастурининг аёллар ва ёшларга муносабати қуйидагилардан иборат:

Мустақиллик йилларида аёлларнинг жамиятдаги роли ва мақомини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу билан бирга ҳаётимизнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш — олдимизда турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадбиркор аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида уларга ажратилаётган микрокредитлар миқдорини янада кўпайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Компания 2009 йилда Сергели туманидаги тадбиркор аёлларни микрокредитлаш учун Сергели Кредит уюшмасига 50 миллион сўм ажратди ва 2010—2014 йилларда ҳам молиявий ёрдам беришни режалаштирмоқда.

5. Ёшлар – мамлакатимиз келажаги.

«Файз» холдинг компанияси фарзандларимиз – мамлакатимиз келажаги эканлигини англаган ҳолда, оталиқдаги 7-мактабнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашда ҳомийлик ёрдамини ҳар томонлама кўрсатади, шу билан бирга мактаб ўқувчиларига ватанпарварлик ғоялари ва маънавий фазилатларни сингдириш борасида ўз ҳиссасини қўшади.

Оилаларни мустаҳкамлаш мақсадида компания таркибидаги «Файзли оила» маркази фаолияти орқали йигит ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш; компьютер, бичиш ва тикиш, пазандачилик, бизнес, лидер-аёллар ўқув курслари, юридик маслаҳатхона ташкил этиш каби вазифаларни амалга оширишни кенгайтиради.

7. «Файз» компанияси туман ФҲДЁ бўлимида рўйхатдан ўтаётган «Қипчоқ» округидаги ёш оилаларга мебелларни имтиёзли нархларда ёки кредитга беришни режалаштирган.

8. Соғлом авлодни тарбиялаш, касалликларнинг олдини олиш мақсадида «Файзли оила» марказида битта ультратовушли ташхис аппарати қаторига яна битта қўшимча хона ташкил этилиб, «Қипчоқ» округи аҳолиси учун имтиёзли хизмат кўрсатади.

9. Депутат фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири коммунал хўжалик ва йўл транспорт таъминоти масалаларидир.

Муаммоли масалалар маҳаллий маъмурият, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари орқали қўйилган вазифалар даражасига қараб, давлат бошқаруви идоралари, шунингдек халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессия ва комиссиялари билан ҳамкорликда кўриб чиқилади.

**Учинчи йўналиш — сиёсий соҳа:**

Сайловолди дастуридаги бу йўналишда мамлакатимизда изчил либераллаштиришни давом эттириш, сиёсий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятда адолат устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида бор куч ва ғайратини сафарбар этишга қаратилади.

*Депутатликка номзод **Мукаррамхон Азимова** бизнес соҳасида катта тажриба ва ташкилотчилик қобилиятига эгалиги туфайли бозор стратегиясини чуқур тушунган ҳолда, давлатимизнинг макроиқтисодиётини ривожлантиришга, ишлаб чиқаришга чет эл сармояларини жалб қилиш ва аҳолини сифатли мебель маҳсулотлари билан тўлдиришга ўз салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Малакали раҳбар ва кенг дунёқарашга эга сиёсатчи сифатида Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришдаги асосий тамойилларни ҳаётга татбиқ этмоқда.*

*Йирик ишлаб чиқариш компанияси томонидан ёшлар ва аёлларнинг касбий ва маънавий ривожланишлари учун уларнинг ижтимоий масалаларини ҳал этишда катта маблағ йўналтирилади. «Файз» холдинг компанияси Мукаррамхом Азимованинг ижтимоий сиёсати ва қарашлари натижасида Сергели туманидаги мактаб, мактабгача таълим муассасалари, спорт майдончалари, тиббиёт муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий қўллаб-қувватланишида бош ҳомий деса бўлади. Ижтимоий масъуллик тамойилларига амал қилиниб, компания томонидан ушбу мақсадлар учун охирги уч йилда 1,5 миллиард сўм йўналтирилди.*

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

## ВАТАН ТУЙҒУСИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН!

***Тимур Мохирович Кашаев 1986 йилда туғилган. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг илмий ходими. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Яккасарой тумани 58-Бошлиқ сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.***



# ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР!

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ баркамол авлод тарбиясига, ёшларнинг барча соҳаларда фаол иштирок этишига улкан эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуслари ва бевосита раҳнамоликлари остида юртимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури изчил татбиқ этиб келинмоқда. Бошқа йўналишлар каби мазкур дастур доирасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларининг уч поғонали тизими яратилди. Ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларда янгича фикрлаш ва ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш, замонга монанд таҳлилий ёндошган ҳолда фикрлаш қобилиятига эга бўлган ўғил-қизларни тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам Юртбошимизнинг доимий эътиборлари остидадир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, мамлакатимиз Президенти келгуси, **2010 йилни «Баркамол авлод йили»** деб эълон қилар эканлар, **чуқур билимли, касб-ҳунар эгаллаган, замон талабиги монанд юқори малакали ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз юртимизнинг эртанги ривожи йўлидаги дастурларни рўёбга чиқарадиган кудратли омил**, дея таъкидлаб ўтганлари ўғил-қизларимизга билдирилган катта ишончдир.

Узоқни кўзлаб аниқ мақсадга йўналтирилган ёшлар сиёсатининг изчил амалга оширилаётганинг натижасини Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг энг ёш фаолларидан бири 22 ёшли Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти илмий ходими, Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти жамоатчилик кенгашининг аъзоси Тимур Кашаевнинг депутатликка номзод қилиб кўрсатилганида яққол кўришимиз мумкин.

Тимур Кашаев Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг бакалавриат ва магистратура босқичларини «Тарих» ва «Халқаро муносабатлар назарияси» йўналишлари бўйича имтиёзли диплом билан тугаллаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида ўз иш фаолиятини бошлади.

Ўқиш давомида Т. Кашаев факультет ва университет жамоат ишларида фаол иштирок этиб, тарих факультети Ёш олимлар кенгаши раиси ўринбосаридан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ёш олимлар кенгаши раислигигача жамоат лавозимларини эгаллади. Ўзининг жамоатчилик фаолияти давомида у университет ёш олимлари ва талабалари илмий мақолалари тўплами нашри учун масъул, «Шарқ ва Ғарб: ҳамкорлик қирралари» халқаро илмий анжуманининг масъул котиби этиб тайинланган эди. Шу билан бирга Т. Кашаев ўқиш мобайнида Ўзбекистон Миллий университети ректори ҳамда Осиё маданият ва тараққиёт институти «Буюк ипак йўли» стипендияларининг соҳиби бўлган.

Ҳозирги кунда Тимур Кашаев Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида «Ҳозирги замон тарихи ва халқаро муносабатлар» бўлими илмий ходими лавозимида ишлаб келмоқда. Институтдаги фаолияти давомида «Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиш тарихи (XX аср охири – XXI аср боши)» давлат фундаментал илмий грантининг «Иқтисодиётни диверсификация қилиш ва инвестицион лойиҳалари» йўналиши бўйича илмий - тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ушбу тадқиқот қуйидаги соҳаларни: Инқирозга қарши давлат дастури ва мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялаш чоралари, унинг тузилмаларини диверсификациялаш, инвестицион муҳитни мукаммаллаштириш ва хорижий инвестициялар жалб қилишни ошириш, Ўзбекистон ташқи савдосида тузилмани тубдан ўзгартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хўжалик субъектларидан олинадиган солиқлар ҳажмини камайтириш чоралари, Навоий вилояти Навоий шаҳрининг халқаро аэропорти атрофида эркин саноат - иқтисодий ҳудудини яратишни ўз ичига олади.

Т.Кашаевнинг илмий изланишлари аниқ, тизимлашган характерга эга бўлиб, янгилиги ва долзарблиги билан фарқ қилиб, мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланишида муҳим амалий аҳамиятга эга. Академик тадқиқотлар ўтказиш учун қўйиладиган давлат стандартининг барча талабларига жавоб беради, ёш олим унинг илмий тадқиқотларни юқори даражада олиб бориш қобилиятини намоён этади. Ўзбекистон, Арманистон, Греция, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Туркманистон, Украина давлатларида чоп этилган йигирмата илмий мақолалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва чет элда ўтказилган йигирмадан ортиқ халқаро конференциялар ва Форумлардаги иштироки ҳам ҳозирги кунда Т.Кашаевнинг изланишлари самараси ҳисобланади.

Илмий ва амалий фаолияти давомида Т.Кашаев томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова, Фанлар академияси Тарих институти директори, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси, тарих фанлари доктори, профессор Дилором Алимова ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори, фалсафа фанлари доктори Динора Азимова каби таниқли олимларнинг юқори баҳоларини олган «Марказий Осиёда ҳозирги замон халқаро муносабатлар ривожи контекстида диний экстремизмнинг кўринишлари» ва «Янги ва энг янги даврларда халқаро муносабатлар тарихи» мавзуларида тадқиқотлар амалга оширилиб, нашрга тайёрланган.

Т.Кашаев республикамизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда. Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Тимур Кашаев «Ёшлар йили» Давлат дастурини тайёрлаш учун масъул ишчи гуруҳининг аъзоси бўлган.

**Тимур Кашаев ўзининг сайловолди платформасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси дастури йўналишларини илгари сурмоқда.**

### Ўзбекистон ёшлари

Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатлар учун намунали деб ҳисобланади. Маълумки, 35 ёшгача бўлган аҳоли сони юртимизда 70 фоиздан ортиқни ташкил қилади. 1991 йил 20 ноябрда МДҲ давлатлари ўртасида биринчи бўлиб, Республикамизда «Ёшларга оид сиёсат»ни ҳал қилиш йўналишларини белгилаб берувчи «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсатнинг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди.

Жамиятнинг ривожланиши ва ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шароитлар ва кафолатлар яратиш учун, жамият манфаатларини кўзлаб, ёшларнинг ижодий салоҳиятини ёритиш мақсадида Ўзбекистон давлати фаолиятининг етакчи йўналишларидан бири сифатида ёшларга оид сиёсат белгиланганлиги, албатта қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсатнинг асосий йўналишлари ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий аҳволи, жинси, таълим ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, кадрлар, миллий, маданий урф-одатларнинг давомийлиги, авлодларнинг маънавий алоқадорлиги, ёшлар ташаббусларининг қўллаб-қувватланиши, ёшлар томонидан касб, меҳнат соҳаси ва жамоат фаолиятини эркин танлай олиш кафолати ҳисобланади.

Давлат томонидан олиб борилаётган ёш авлоднинг мутахассислик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича сиёсий фаолият натижаси ўлароқ Ўзбекистонда бошқарув кадрларини янгилаш жараёнининг фаол олиб борилаётганлиги яққол мисол бўла олади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ёшлари турли жабҳаларда юқори лавозимларни эгаллаб келмоқдалар.

### «Миллий тикланиш» ва ёшлар

«Миллий тикланиш» партияси ёшларнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини диққат марказига қўйди. Ёшлар — бу мамлакат келажаги, жамиятнинг таянчи ва ажралмас қисми, у табиий равишда кейинчалик катта авлод ўрнини босади. Партия ёшларнинг салоҳиятини Ватанга хизмат қилишга йўналтиришни ўз вазифаси деб билади. Мазкур вазифани самарали ҳал этишда ёшларнинг ўзини кўрсатиши учун шарт-шароитларни доимий равишда яхшилаш зарур. Ушбу талабга жавоб берадиган қонун лойиҳаларни қўллаб-қувватланади.

Ўсиб келаётган авлод вакилларининг бугунги кунда кўпроқ талабгор бўлган соҳаларни ривожлантириш мақсадида ёшлар сиёсатининг долзарб муаммоларини ўрганиш ва муҳокама қилиш билан боғлиқ тадбирларда кенг иштирок этади. Партия шунингдек, ёшлар орасида гиёвандлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, бошқа салбий ҳолатларга барҳам бериш йўлида фаол кураш олиб боради.

Ёшларга оид сиёсатда яна қуйидагиларга интиламиз:

— ёшларнинг ўз ижтимоий ҳуқуқлари ва ижодий имкониятларини амалга оширишларида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай амал қилишига;

— ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, уларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, спорт билан шуғулланиши, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилиши ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга;

— иқтисодиётнинг барча соҳаларида ёшларнинг ишга жойлашиши, умуман бандлик масалаларини ҳал этишга кўмаклашишга;

— имтиёзли солиқ тўлаш, кредит олиш, ёш оилаларга уй-жой ва бошқа ҳаётий муҳим мол-мулкларни харид қилиш учун кредитлар бериш ва бошқа иқтисодий ёрдам кўрсатилишини назарда тутувчи мақсадли дастур ва вазифаларнинг амалга оширилишида иштирок этиш ва кўмаклашишга;

— қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда турли тўгараклар фаолиятини кенгайтириш ҳамда уларга мумкин қадар кўпроқ ёшларни жалб қилиш орқали ўғил-қизларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда иштирок этиш ва кўмаклашишга;

— Ўзбекистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

— ёшларга юксак ахлоқий хусусиятларга эга бўлган ҳар бир шахсга хос бурч, тўғрилик, ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат ҳиссини сингдириш.

### Демократик давлат ва фуқаролик жамияти сари

Миллий тикланиш — демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси демократик қадриятларни кишилар онгига сингдириш ва мустаҳкамлашни муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назардан партия демократияга нафақат назария ёки сиёсий жараён сифатида, балки халқнинг қадриятлари, анъаналари, маданий хусусиятлари, руҳияти билан уйғунлашувчи турмуш тарзи сифатида ҳам қарайди. Демократияни эълон қилиш ёки юқоридан туриб буюриш мумкин, лекин бу билан демократия амалга ошиб қолмайди. Демократия ҳар бир инсоннинг ижтимоий бойлигига айланиши керак.

Демократия тушунчаси биринчи галда адолат ғояси билан боғлиқ. Ўзбек халқининг адолат тўғрисидаги тасаввур илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Амир Темур томонидан илгари сурилган «Куч — адолатдадир» шиори остида давлат сиёсатини юритиш мисоли буни яққол тасдиқлаб турибди.

*Айнан ушбу шиор **Тимур Кашаевнинг**, агар депутат бўлиб сайланса, шубҳасиз, бутун фаолиятининг асоси бўлиб қолади. Ўз овозларингизни янгиланиш ва миллий тикланишга беринг!*

**Даврон САФАРОВ,**
**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли**

Буюртма Г - 1106

# ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

## МАҚСАДИМИЗ – ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚУРИШ!

***Дилором Бобожоновна Бобожонова 1952 йилда туғилган. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети “Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари” кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор. ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, “Сиёсий таълим маркази” раҳбари. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Юнусобод тумани 57-Отчопар сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.***



## АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ

ЎзЛиДеП бугунги ҳаётимиз, шиддат билан ўзгараётган давр талаби ва мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар маҳсулидир. ЎзЛиДеП ижтимоий эркинлаштиришни ўз мафкурасининг асосий ғояларидан бири деб белгилаган.

Партиянинг ижтимоий сиёсат борасидаги устувор йўналишлари иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига ижтимоий дастурларни амалга оширишни давом эттиришдан иборат. Иқтисодиёт эркинлаштирилганда, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари аҳолининг барча қатламлари ҳаёт даражасини кўтаришга имкон берувчи самарали ишлаб чиқариш, янги ишчи ўринларини яратишга йўналтирилади. Ушбу масалада партия ҳар бир инсоннинг тафаккурини ўзгартиришга интилади, бунда у соғлом фикр, ташаббускорлик, ўз фаровонлигини мустақил равишда ошириш истагига асосланади, ўз тақдирини ўзи яратиши учун имконият берадиган қатъий қоидаларни ишлаб чиқади, иқтисодиётда эркинлик ва тартиб ўрнатадиган, мамлакатнинг давлат ва жамият тизимини босқичма-босқич ривожлантириш ва янгилашда асосий устун, таянч бўлади ҳамда Ватан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни жадал амалга оширишда масъулиятни ўз зиммасига олади.

Бугунга келиб, ЎзЛиДеП катта тажрибага эга сиёсий куч сифатида аниқ ғояларни ифода этиш ва ҳимоя қилиш билан бирга, уларни изчил ҳаётга татбиқ этиш борасида муайян ишларни амалга оширди. Бу депутатларнинг барча даражаларда тизимли равишда қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат остига олиб, таҳлил қилганида, кўрсатаётган ташаббусида, таклиф ва тавсияларида ўз аксини топмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг ғоявий-ташкилий бошқарувида иштирок этиши, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг ташкил этилиши ва бошқа шу каби режалаштирилган ишларни амалга оширишда фаол иштирок этишди.

Бугунги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш зарурияти партия олдига ҳам янги вазифалар қўйди. Шу муносабат билан ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида пойтахт бўйича глобал инқирознинг истиқболда кутиладиган таъсирини ҳисобга олиб, ҳар томонлама ўйланган ҳудудий дастур ишлаб чиқилди.

ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузурида ташкил этилган “Сиёсий таълим маркази” раҳбари сифатида 2005-2009 йилларда доимий фаолият олиб борувчи туркум ўқув семинарларининг 14 босқичда ўтказилганлиги уч мингдан ортиқ партия фаоллари учун фойдали бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан. Давлат ҳокимияти органлари ваколатидаги долзарб масалаларнинг аҳамияти ва муҳимлигидан келиб чиқиб, шаҳар ва туман Кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида партия раҳбар кадрлари, фаоллари ва аъзолари ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳлари вакиллари учун ташкил этилган мазкур тадбирлар бўйича махсус ўқув тизими яратилиб, бу борадаги ишларнинг янада самарали бўлишига олиб келди. Аҳолининг турли қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйишда бошланғич партия ташкилотларининг нуфузи ва фаоллигини ошириш, мазкур бўғин раҳбарларининг назарий ва сиёсий тайёргарлигини кучайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, айниқса етук кадрлар заҳирасини шакллантириш каби вазифалар ўз ифодасини топишида ўқув семинарлари алоҳида ўрин тутади.

Партия аъзоларининг асосий қисмини мулкдорлар синфи – тадбиркор, ишбилармон ва фермерлар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари, моддий ва интеллектуал мулк эгалари ташкил этади. Қолган қисми таълим, фан, маданият ходимлари, шунингдек ихтирочилар ва олимлардан иборат. Мен ҳам ана шу кам сонлилар жумласига кираман. Зеро, ЎзЛиДеПнинг асосий шиори: “Ватанимизга ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир!” Менинг ҳам шиорим шундай. Мақсад ва орзуларим, интилиш ва қарашларимни партия сафида туриб амалга ошириш ниятидаман. Асосий мақсадим илмий-педагогик фаолиятимни сиёсий жабҳадаги ишлар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб боришдан иборат. Узоқ йиллар давомида тўплаган илмий-назарий билим ва педагогик тажрибамни амалиётда қўллаш, партия аъзоларининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш ва маънавий қарашларини юксалтириш, тарихчи сифатида Ватанимизнинг буюк келажагини таъминлашда миллий қадриятларимиз ва аждодларимиз бой меросига таянган ҳолда ёшлар онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш йўлида хизмат қилиш истагидаман.

Чорак аср давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида тарих фанига оид илмларни эгаллашга интилдим. Олимликни энг олий унвон, энг юқори мансаб деб, орттирган билимларимни ёшларга улашиш мақсадида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида мана ўн йилдан кўп вақт мобайнида педагогик фаолият юритаётирман. Бугунги ёшлар билим ва илмга чанқоқ, уларнинг интилишлари улкан. Улар учун барча имкониятлар яратилган. Лекин турли сабабларга кўра ўз имкониятларини тўлиқ намоён эта олмаётган иқтидорли ўғил-қизлар ҳам бор. Ана шулар билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида имкониятим даражасида иш олиб бормоқдаман. Агар депутат бўлсам, бу эзгу ишларни партия номидан амалга ошириш имкониятларим янада кенгаяди, деб ўйлайман. Зеро, ЎзЛиДеПнинг дастурий мақсадларида ёшлар билан ишлашда асосий эътибор энг аввало уларни табиатимизга бегона бўлган ғаразли оқимлардан асраб, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар сифатида вояга етказиш, жамиятда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллашига барча имкониятларни сафарбар этишга қаратилган.

ЎзЛиДеПнинг ёшларга доир сиёсати “Ёшлар қаноти” томонидан олиб борилади ва ҳар бир ўғил-қизнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, касбий, ижодий ва мансаб поғоналаридан кўтарилишини таъминлаш, ўз бизнесини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятига қизиқишларини ошириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиб бериш, барча ҳокимият органлари ва бошқарув соҳаларига айнан ёшларни тайёрлаш ва фаол илгари суришга алоҳида аҳамият берилади. Партия фаолияти замонавий билим ва тажрибага эга бўлган янги, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш ва уни қўллаб-қувватлаш, таълим жараёнини ислоҳ қилиш, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, келажакка теран назар ташлайдиган, жамиятда ўз муносиб ўрнини топа оладиган фуқаролар қилиб етиштиришдаги ишни янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Бутун дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга катта аҳамият берилади. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги барчага маълум. Албатта, мана шундай интилишларни амалга ошириш мақсадида ЎзЛиДеП хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини амалда жорий этишни давлат сиёсати даражасига кўтаришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айниқса хотин-қизлар иштирокидаги учрашувлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари чоғида аёлларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишлари натижасида қуйи қатлам, жамоатчилик орасидан чиқадиган таклиф-ташаббусларни, ечимини кутаётган муаммоларни аниқлаш мумкин бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, ЎзЛиДеП фуқаролик жамиятининг бир институти сифатида аёлларнинг ижтимоий манфаатларини ифода этадиган ташкилот, сиёсий куч эканлигини англаган ҳолда, қатор ижтимоий муаммоларни, жумладан ишсизлик муаммоси ҳал этилишини биринчи навбатда аёллар манфаатлари билан алоқадор деб ҳисоблайди ва аёлларнинг жамият ва оиладаги ўрнини мустаҳкамлашга, улар учун алоҳида шароитлар яратиб беришга интилиб келмоқда.

Албатта, ЎзЛиДеП турли тадбирларни ўтказишда ёрдамини аямайди, лекин бундай тадбирларнинг маъно-мазмуни ва йўналиши аёлларнинг ўзлари хотин-қизлар ташкилотлари томонидан ташкиллаштирилиши ва унинг натижасини ҳам кўриш керак.

“Аёллар қаноти” эътиборидан оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни талаб даражасига кўтариш, улар ҳаётини ёритадиган матбуот нашрлари қандай мавзу ва муаммоларни кўтариб чиқаётгани, уларнинг ўз ўқувчилари, хусусан, аёлларга қандай таъсир кўрсатаётгани, фаолиятига танқидий баҳо бериш масалалари ҳам четда қолмаслиги керак.

Бу борада хотин-қизларнинг депутатликка сайланадиган, вакиллик ва бошқа давлат ҳокимияти идораларидаги кенг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда билимдон, ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган, фаол, ташаббускор аёлларнинг вакиллик органларига сайланиши ва уларда иштирок этишлари учун етарли шароит ва имконият яратиб берилган экан, улардан самарали фойдаланиш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда.

Ўзбекистон бугун бутун дунёда ўзига муносиб обрў-эътибор қозонмоқда. Бу жараённинг узвий ва ажралмас қисми — опа-сингилларимизнинг халқаро майдонга чиқишида намоён бўлади. Бунда аёлларнинг айниқса сиёсий партиялар, хотин-қизлар қўмиталари, инсонпарварлик, таълим ва бошқа соҳаларга йўналтирилган ташкилотлар ишида фаол иштироки бениҳоя катта аҳамиятга эга. Ана шу долзарб масалаларни оқилона ҳал этиш орқалигина биз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари эзгу мақсад-муддаоларимизга етишимиз мумкин.

Истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи устувор вазифа қилиб қўйилган ва шу йўлда амалга оширилаётган улкан ишлар бугун ўзининг мевасини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Шу билан бирга биз хотин-қизларнинг ҳаётнинг барча жабҳаларида самарали иштирокини кучайтириш, мухтасар қилиб айтганда, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш учун ҳали кўп иш қилиш зарурлигини тўлиқ тасаввур этамиз.

Бу борада амалга ошираётган ишларимиз, хусусан, сайловолди амалий вазифалар – ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, шуларнинг барчаси ҳисобидан юртимизни янада обод ва фаровон қилиш каби масалалар айнан аёлларимизнинг орзу-интилишлари ва мақсадларига ғоят ҳамоҳангдир.

ЎзЛиДеП бундан кейин ҳам сиёсий майдонда ўзига нисбатан қўйилган партиявий вазифаларни амалга оширишда фақат дастурий кўрсатмалар билангина чекланиб қолмасдан, балки давлат ва жамият олдидаги ижтимоий масъулликни янада оширган ҳолда намоён этиш борасида амалий ҳаракатларини давом эттираверади.

*Обод ва фаровон ҳаёт тарафдори бўлсангиз, мен, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзоди* ***Дилором Бобожоновага*** *овоз беринг!*

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

## ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ — ВАТАНИМИЗНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ ГАРОВИДИР!

***Яков Михайлович Яичников 1969 йилда туғилган. «PR-VOSTOK project» инновацион маркази» масъулияти чекланган жамияти директори. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Яккасарой тумани 59-Бўрижар сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.***



## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Бугунги кунда ривожланишнинг галдаги босқичида — мамлакатни модернизация қилиш мақсад ва вазифалари, ўз навбатида, сиёсий партиялар, шу жумладан Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ҳам ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани яратиш учун инновацион технологияларни ривожлантиришга асосланган муҳим ижтимоий вазифаларни белгилаб олишга туртки бўлди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу йўналишдаги вазифаларнинг татбиқ этилиши давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради ва айни пайтда давлат ҳукуматининг ижроия бўғини фуқаролик жамиятининг демократик институтлари изчил ривожланиши билан ҳамоҳанг равишда миллий иқтисодиётнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Айтиб ўтиш кераккки, иқтисодиётда бошқарув, мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини мувофиқлаштириш механизмларининг сақлаб қолиниши инвестицияларни мақсадли жалб этиш, мавжуд ишлаб чиқариш имкониятлари ва ижтимоий инфратузилмани янгилаш, кишиларнинг меҳнати самарасини, турмуши фаровонлигини, юксак ижтимоий, маданий-маънавий ҳаёт даражасини таъминлашда изчил чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга имконият яратади.

Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш барқарорлигига, эришилди. Инқироз кўринишларидан халос бўлиш, ҳар жабҳада ислоҳотлар изчил давом эттирилишининг асосий омили — бу Ўзбекистоннинг халқаро доирада обрў-эътибори таъминланишида муҳим ўрин тутган барча даражада ҳукумат ваколатларининг масъулият билан ва онгли равишда бўлиниш сиёсати амалда ўз ифодасини топаётганидадир.

2009 йил учун белгиланган ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг деярли барчаси амалга оширилди. Буни жорий йил тўққиз ойи давомида эришилган макроиқтисодий кўрсаткичларда ҳам кўриш мумкин. Ўтган вақт ичида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ортиғи билан ўсиши давом этди, бу борада саноатда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш суръатлари юқори бўлиб, асосий капиталга қўйилмалар ҳам кўпайди, бюджетга бўлган тушумлар ортиғи билан бажарилди. Шу билан бирга ҳали ҳамма муаммолар барҳам топди деб бўлмайди. Маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари етарли даражада рақобатбардош бўла олмаётгани импорт маҳсулотлар ҳажми ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестицион фаоллик номутаносиблиги ҳам сақланиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришда ҳамда аҳолининг реал даромадларида ўсиш суръатлари ҳам мувофиқлик талаб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши олдида иқтисодий ривожланишнинг янги омилларидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар турибди. Ишончимиз комилки, муттасил ўсишга фақат ишлаб чиқаришни тубдан модернизация қилиш, бозор шароитига йўналтирилган ва шу билан бирга давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилган иқтисодиётни кучайтириш орқали эришиш мумкин. Шу боис саноатни ривожлантириш бобидаги сиёсатнинг асосий йўналиши — корхоналар ва алоҳида тармоқларни ислоҳ этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир. Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замонавий технологияларни жалб этиш, истиқболли ашё-воситалардан кенг фойдаланиш, корхоналар тузилмаларини такомиллаштириш мақсадида иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига инвестицияларни кенг жалб этиш бўйича ишларни давом эттириш талаб этилади. Бу борада саноат сиёсатида доимий мониторинг тизимини жорий этиш ҳам муҳимдир.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун илмга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, пировардида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш керак. Бунинг учун эса инновацион ривожланиш, ўта замонавий ва албатта илмга асосланган технологияларни жорий этиш лозим. Шундагина жаҳон бозорида бизнинг маҳсулот ва хизматлар ҳам рақобатбардошликка эришиши, ўз навбатида, эртанги кунимиз фаровон ва барқарор бўлишига кафолат юзага келади.

Маълумки, миллий иқтисодиётни инновацион йўл билан ривожлантириш вазифаси мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан давлатнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган. Узоқни кўзлаб иш тутишга бу борада барча имкониятлар етарли. Биринчи галда инсонлар ресурси, уларнинг интеллектуал салоҳияти, билими, орттирган тажрибасидан унумли ва самарали фойдаланиш стратегик вазифа ҳисобланади. Бироқ бундай инновацион сиёсатни татбиқ этиш учун аниқ механизм зарур. Фақат буни давлат даражасида эмас, балки ҳар бир тармоқ, ҳар бир корхона ва ташкилот имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга жорий қилиш зарур.

Шубҳасиз, ички тармоқлараро кооперацияни кучайтириш ва ишлаб чиқариш интеграллашувини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Ресурсларни сақлаш, кам қувват талаб технологияларни жалб этишни давом эттириш, ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни такомиллаштириш, бошқарувнинг автоматик тизимларини жорий этиш ҳам муҳимдир.

Рақобатбардош иқтисодиётни фақат янги корхоналарни барпо этиш, амалдаги ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий технологияларни кенг жорий этиш орқали модернизация қилиш ҳисобига ташкил этиш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, уларнинг камида 80 фоизининг маҳаллий лойиҳалар асосида киритилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, тармоқлар, минтақалар кесимида барча хўжалик субъектларини мажмуавий ва босқичма-босқич модернизация қилиш вазифасини илгари сурган инновацион ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишимиз зарур.

Ҳукуматнинг барча бўғинларида хўжалик субъектларини молиявий соғломлаштириш, зарар билан ишлаётган корхоналар сонини камайтириш бўйича вазифаларни қатъий ҳал этиш зарур. Гап умуман иқтисодиётни янги технологик лойиҳалар асосида чуқур модернизация қилиш, тармоқлар, минтақалар, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга оид масалалар ечимига асос бўлиб хизмат қиладиган замонавий технологияларни жорий этиш, янги корхоналар ва ишлаб чиқариш линияларини йўлга қўйиш ҳақидадир. Бу борада ҳар бир тармоқ бўйича мажмуавий ва мақсадли илмий-техник давлат дастурини ишлаб чиққан ҳолда уни ғоядан бошлаб амалиётга татбиқ этишгача барча тўсиқлардан халос этишни ҳам ҳисобга олиш лозим. Шуни яхши англаш зарурки, инновацион ривожланиш йўли — бу шунчаки мақсад эмас. Бу — иқтисодиётимизнинг самарали ривожланиши, маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини ошириш воситаси, пировардида — замонавий ижтимоий ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Албатта, бунда илм соҳасига катта эътибор қаратилиши талаб этилади, зеро бу энг барқарор ривожланаётган соҳадир. Бироқ ишлаб чиқаришга илмий тадқиқотларни татбиқ этиш учун юқори малакали мутахассислар, олимлар кучи ва билими даркор.

Шуни ҳам тан олиш кераккки, ушбу соҳада ҳали юксак даража сезилмаётир. Сабаби — ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириб борувчи механизмни яратиш учун авваламбор ҳуқуқий негизни такомиллаштириш талаб этилади. Шунингдек, субъектив омиллар ҳам борки, бунда кадрларнинг психологик тайёргарлиги, ташаббускорлиги ва ишга бўлган ижодий ёндошуви катта роль ўйнайди.

Бугунги кунда замон билан ҳамнафас равишда инновация бошқаруви соҳасида менежер мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Табиий ва техник йўналишдаги ўқув юртлари битирувчилари ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик соҳаларига кириб бориш истагида бўлса-да, аммо амалда инновациялар бошқарувини ташкил этишга тайёр эмаслар. Албатта, бу борада давлат дастурлари доирасида инновацион ривожланишни молиявий қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Аммо бундай қўллаб-қувватлаш имкониятидан ким самарали фойдалана олади? Инновацион ривожланиш дастурларини татбиқ этишда қандай мезонлар тўғри келади? Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод сифатида мен бу борада биринчи галда янги ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, янги технологик қувватларнинг рентабеллиги ўрта ҳисобда 13-14 фоиз даражасида бўлмоғи лозим деб ҳисоблайман. Иккинчидан, лойиҳаларнинг ўзини ўзи қоплаш муддати олти йилдан кўп бўлмаслиги керак ва бу энг оптимал муддат, чунки кўплаб лойиҳалар инвестицион дастурга киритилади. Учинчидан, янги иш ўринларини авваламбор амалдаги ишлаб чиқариш корхоналари барқарор ишлаётган минтақалар, кичик шаҳарларда яратиш лозим. Тўртинчидан, ҳар бир маҳсулот экспортга йўналтирилган бўлиб, бироқ биринчи навбатда ички бозор эҳтиёжини қондиришга эришиш даркор. Бешинчидан, маҳсулотлар импорт ўрнини босувчи ва бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга эътиборни кучайтириш зарур.

Тегишли дастурларни ишлаб чиқишда ҳар бир тармоқ учун қайд этилган йўналишлар бошланғич бўлиб қолиши ҳар бир бизнес-режа учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Янги технологик стратегия ҳақида гап борганда, биз асосан тўртта — энергетик, ахборот, нано- ва биотехнология йўналишларида янги даражага чиқишимиз зарур. Бу борада давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда, преференциялар кўзда тутилиши зарур. Бугунги кунда имтиёзлар кўп. Лекин хўжалик субъектлари улардан нечоғлик фойдаланади деган савол, назаримизда, ўринлидир.

Мамлакат иқтисодиёти тузилмаларининг такомиллаштирилиши, ўз навбатида, қурилиш, металлни қайта ишлаш, машинасозлик каби муҳим тармоқларда техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш жараёнларини давом эттиришни тақозо этади. Яна бир бор шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, бугунги кунда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш асосий вазифадир. Бу борада халқаро андозалар даражасига мос маҳсулотлар сифатини мунтазам ошириб бориш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур. Маҳсулот сифатини бошқариш тизими эса ишлаб чиқаришдан тортиб, истеъмолчига етгунга қадар бўғинларни қамраб олмоғи лозим. Бу долзарб масалалар Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига тайёргарлик шароитида янада кучайиб бораётир.

*Шуларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз фаолиятида юқори технологиялар асосида тармоқлараро самарали тузилмани шакллантиришни давом эттириш, савдо маданиятини ва хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш бўйича мақсадли ишларни амалга ошириши лозим. Айнан шу мақсадлар рўёбида* ***Ўзбекистон Халқ демократик партияси*** *таркибидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган янги депутатлик корпуси вакиллари бор имкониятини юқорида қайд этилган вазифаларнинг амалда ўз ифодасини топишига ҳаракат қилмоғи лозим.*

Анжуманлар

## ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

**Ўзбекистон тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Фанлар академияси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишлаб «Қомусимиз — бахтимиз» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Унда маҳаллалар фаоллари, ўқитувчилар, маданият ходимлари ва ёшлар иштирок этдилар.

Анжуманда Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази раҳбари Иброҳим Абдуғаниев, ЎзФА фалсафа институти директори Рустам Рўзиев, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори Жаннат Исмоилова ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузилмаси, бошқарувнинг адолатли ва демократик тамойиллари, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлигини таъкидлаб, Асосий Қонунимизнинг туб моҳияти, аҳамияти ҳақидаги фикрларини билдирдилар.

Савол-жавобларга бой, мазмунли тарзда ўтган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Гулчеҳра САТТОР қизи**

**Яқинда шаҳримиздаги 64-мактабда Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маънавият тарғибот бўлими «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида меҳр-саховат, тўкин-сочинлик рамзи бўлмиш серҳосил куз фасли якунига бағишлаб, «Куз маликаси» деб номланган маънавий-маърифий кўрик-танлов бўлиб ўтди.**





Танловлар

## ЎҚУВЧИЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Танловда тумандаги барча мактаблар ўқувчилари сўлим кузнинг сўнгги лаҳзаларига бағишланган нафосат, жозиба, гўзаллик, истеъдод, куз маликаси номинациялари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Шунингдек, улар томонидан тайёрланган табиат инъомлари композицияси, турли деворий газеталар кўргазмаси танловнинг янада қизиқарли ва жонли чиқишини таъминлаб берди.

— Ушбу танловни ўтказишдан мақсад, — дейди Мирзо Улуғбек тумани Маънавият тарғибот бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиёзова — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ўқувчи ёшларимиз табиат инъом этган дарахтлар, унинг серҳосил ширин мевалари, кенг далаларда униб-ўсадиган полиз экинларининг янада қадрига етишини, асраб-авайлашни ўрганишни, боғбон, деҳқон, мироблармнинг машаққатли меҳнати заҳматини теранроқ англашини мақсад қилганмиз. Кузнинг сўнгги лаҳзаларида ушбу фаслнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа фасллардан фарқи, у инъом этган меваларнинг тури, инсон саломатлигидаги роли нималардан иборат эканлигини ҳам ҳар хил саҳна кўринишларида бирма-бир тасвирлаб беришга ҳаракат қилдик. Бу танлов ёшларимизнинг табиат ва унинг неъматларига бўлган эътибори ва ҳурматини янада орттиради деган умиддамиз. Зеро, барча фасллар ўзининг ранг-баранглиги, бебаҳо хислатлари, жозибаси, кўрку тароватти билан доимо ардоқли ва севимлидир.

Танлов доирасида иштирокчилар куз маҳсулотларидан ўз қўллари билан тайёрлаган таомлари, салат ва ширинликларини ҳакамлар ҳайъати аъзоларига тақдим этдилар.

Шунингдек, «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» мавзуидаги саҳна кўринишлари, эркин мавзудаги куй, қўшиқ, рақс ва шеърлар, «Ўлкамизда олтин куз», «Гулла-яшна жонажон Ўзбекистон» мавзуидаги деворий газеталар кўргазмалари барча иштирокчиларга ва ҳакамлар ҳайъатига манзур бўлди.

Айниқса, «Нафосат», «Жозиба», «Гўзаллик», «Олтин куз маликалари» номинацияларида иштирокчи қизлар табиат гўзаллигини, тароватини, мевалар сархиллигини акс эттирувчи либослари билан танловнинг янада мазмунли ва мароқли чиқишини таъминлаб бердилар.

«Энг зўр куз композицияси» номинацияси иштирокчилари ҳакамлар томонидан Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

«Куз маликаси» кўрик-танловида иштирок этган мактаб ўқувчиларига ҳам турли номинациялар бўйича Ўқувчилар ижодиёт маркази томонидан совғалар топширилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: олтин куз манзаралари**

Тадбирлар

## МАЙДОНДА — ЁШ СПОРТЧИЛАР

**Истиқлол йилларида ёш авлоднинг жисмонан етук, маънан баркамол улғайишида ўзига хос аҳамиятга молик бўлган спортга бўлган эътибор ортди. Бу борада уч босқичли спорт ўйинларининг ташкил этилиши спортга иқтидори баланд ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очди.**

Юнусобод туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан тумандаги "Юнусобод" спорт мажмуасида "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг финал босқичи уюшқоқлик билан ўтказилганлиги фикримиз исботидир. Мазкур спорт тадбирида 180 нафардан ортиқ ўқувчилар футбол, енгил атлетика, шахмат-шашка бўйича нималарга қодирлигини исбот этишга уриниб кўрдилар.

— Мазкур ўйинларнинг финал босқичида туманлардаги мактабларнинг 1-4 синф ўқувчилари иштирок этишмоқда, — дейди Юнусобод туман халқ таълими бўлими услубчиси Фарҳод Қаландаров биз билан суҳбатда. — Ўйинлар жараёнидан шуни кузатиш мумкинки, ҳар бир иштирокчи ўзи танлаган спорт тури бўйича астойдил тайёргарлик кўришга ҳаракат қилган. Бу эса келгусида уларнинг соғлом турмуш тарзига ошно бўлишларига муносиб шароит яратади.

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг қуйи синфлар ўртасидаги баҳсларини ташкил этишда тумандаги 1, 7, 19-спорт мактаблари, "Лочин" спорт клуби катта ҳисса қўшишди.

Мусобақалар жараёнида А.Чернявина, Д.Сайфуллаева, Б.Тўлқинов, Б.Собиров, И.Газизов, М.Жўраев сингари ўқувчилар ҳар хил спорт турлари бўйича ғолиблар сафидан ўрин олишди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**Футбол бўйича уюштирилаётган халқаро турнирларда мамлакатимиз ҳакамларининг ҳам юксак савияда учрашувларни бошқаришаётганлиги қувонарли ҳол.**

Спорт

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан уюштирилган сўровнома ўзбекистонлик мухлисларни қувонтирди. Унда иқтидорли ўзбекистонлик ёш ҳакам Равшан Эрматов Осиё бўйича «Йилнинг энг яхши ҳаками» деб эътироф этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2008 йилда ҳам Равшан Эрматов қитъада тенгсиз ҳакам сифатида тан олинган эди.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан ҳамюртимизни қутлаймиз.

**(Ўз мухбиримиз)**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ҳурматли тадбиркорлар!**

*Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:*

269-14-45, 262-92-42

**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

**Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ «Тошкент шаҳар ЭТК» ОАЖ девонхонаси фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш жадвалини маълум қилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1.ДИРЕКТОР Смаль Геннадий Иванович | Жума | с 15-00дан | -17-00гача |
| 2.БОШ МУҲАНДИС Алимходжаев Шарафиддин Камаледдинович | Сешанба | с15-00дан | -17-00 гача |
| 3.ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ Шамуталов Умид Шомансурович | Душанба | с10-00дан | -12-00гача |
| 4.УМУМИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ Ҳасанов Равшан Арифович | Пайшанба | с10-00дан | -12-00гача |
| 5.ЮРИДИК ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА БЎЛИМ БОШЛИҒИ Умаров Абдурасул Женгисбаевич | Чоршанба | с15-00дан | -17-00гача |
| 6.ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА БЎЛИМ БОШЛИҒИ Исмаилов Абдусаттор Дадаханович | Душанба<br>Пайшанба | с15-00дан<br>с 15-00дан | -17-00гача<br>-17-00гача |

**«Тошкент шаҳар электр тармоқлари» ОАЖ маъмурияти**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**2009 йил 29 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда:**

**1.** Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 06.03.06й, №ЖСК-1-88/2006 ижро хужжатига асосан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1) "Хундай Акцепт" русумли, д/р 10Х6036 бўлган, 1995 йилда и/ч техник носоз, Тошкент ш., Ҳамза т., Уйсозлар кўчаси 72-А-уй, "Тошкент техника таъмирлаш бутлаш" корхонасида сақланаётган автотранспорт воситаси Бошланғич баҳоси – 7 558 403сўм; 2) Тошкент в. Қибрай т., "Дала ҳовличилар" худудида жойлашган, 67-сонли дала ҳовли. Бошланғич баҳоси – 454 480 269 сўм; 3) Тошкент ш. Юнусобод т., Низомий кўчасидаги 12-уй, қурилиши тугалланмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 264 140 604 сўм.

**2.** Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан: 1) "NISSAN ALMERA" русумли, д/р D439PXM бўлган, 1996 йилда и/ч техник носоз, Тошкент ш. Божхона бошқармаси жарима майдончасида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.09.08й, №1-712-08). Бошланғич баҳоси – 11 637 000 сўм; 2) "Daewoo Tico" русумли, д/р A532BXN бўлган, 1995 йилда и/ч техник носоз, Тошкент ш., М.Улуғбек т., Гёте кўчаси, 52-уйда (Тошкент в. ИИББ ЙХХБ биноси) сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро хужжати 15.01.09й, №38). Бошланғич баҳоси – 4 336 325 сўм.

**3.** Чилонзор тумани СИБ томонидан Чилонзор т, 3-мавзеда жойлашган, "Шахстранс-Хизмат" МЧЖ 80-сонли автоуловлар тураргоҳида сақланаётган, "Мерседес Бенц Е-200" русумли, д/р 30RI110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 23.01.08й, №1542/12). Бошланғич баҳоси – 34 178 391,26 сўм.

**4.** Собир Раҳимов тумани СИБ томонидан: 1) Тошкент ш. С.Раҳимов т, Жомий кўчаси, 20-уйдаги "Жиҳоз" ОАЖга тегишли, блок "Б", майдони 378 кв.м. бўлган, 1943 йилларда қурилган, "Савдо дўкони". (ижро ҳужжати 26.12.08й, №10-0804/14268). Бошланғич баҳоси -162 500 000 сўм; 2) Тошкент ш. С.Раҳимов т., Жомий кўчаси, 20-уйдаги "Жиҳоз" ОАЖга тегишли, "К" блокининг бир қисми, майдони 959 кв.м. бўлган, қурилган йили номаълум, "Омборхона" биноси. (ижро ҳужжати 05.01.09й, №10-0814/14878). Бошланғич баҳоси - 500 000 000 сўм.

Мазкур мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг "Ипак йўли банки" ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО:01036, ИНН:200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.rkmb.uz


## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҚОНУНИ БОСИТИЙ

### Овқатланишда тартибга риоя лозим

Яна билиш керакки, овқатланишда одатнинг ҳам иштироки кўп. Шунинг учун одатга риоя қилиш ҳам энг муҳим тадбирдир. Масалан, бир одам ҳар куни икки марта таом ейишга одат қилган бўлиб, сўнг унинг ҳазм қуввати заифлашса, унга лозим шуки, таом миқдорини камайтирсин. Аммо зинҳор ўз одати бўлган икки маҳални камайтириб, бир маҳал қилмасин. Шунингдек, бир кунда бир маҳал овқатга одат қилган киши, агар икки вақт қилса, бу ҳар икки одамнинг ҳам бадани учун бу овқати заифлик, сустлик ва касаллик келтириб, кўп офатлар пайдо қилади. Фақат сўнгги миқдорининг давоми ҳам одат тусига киргач, бу офатлар барҳам топиб, йўқ бўлади.

**Иккинчи қоида – мутлақ таомнинг васфи, унга зира, мурч каби зираворлар қўшишнинг жоизлиги, даво овқатга нисбатан мутлақ овқатнинг афзаллиги баёнида.**

Билмоқ керакки, ҳар ким ҳифзи сиҳҳат (соғлиқни сақлаш)га толиб бўлса доимо **ғизои мутлақ** (мутлақ таом) тановул қилсин, яъни меъдага боргандан сўнг меъданинг табиий ҳарорати таъсири билан ҳазм бўлувчи ва баданга айланувчи, аммо ўзи баданга таъсир қилиб, унинг аҳволини ўзгартирмайдиган овқатдан истеъмол қилсин. Зинҳор даво овқатни тановул қилмасин, масалан, кахз уруғи ва кашкоб каби нарсалардан истеъмол қилиб олингки, булар, гарчи меъдада ҳазм бўлса ҳам, унинг овқатлик жавҳари баданга айланишда ўзидаги кайфият билан баданнинг ҳолини ўзгартириб, совуқлик пайдо қилади. Фақатгина касалликни даволаш ёки саломатликни яхшилаш мақсадида вақтинча ҳожатга яраша **ғизои давоий** (даво овқат) истеъмол қилиш мумкин, ортиқчаси мумкин эмас.

### Гармдори (қалампир)дан қон куяди

Овқатни яхшилаш учун бошқа зираворлардан ҳам озгина қўшишнинг зарари йўқ, ортиқчаси эса зарардан холи эмас. Зиравор қўшишдан мақсад овқатни бироз лаззатли қилишдир. Ортиқчаси гарчи табиатга ёқимли бўлса ҳам, гўё кўкнорга мубтало бўлган кишига кўкнор ёқимли бўлгани каби, унга табиатнинг хоҳиши эътибордан соқит ва зарари аниқдир. Хусусан, Туркистон қитъасида ҳозирда ғоятда ривож топган қаранфул, яъни гармдорини кўп қўшишдан қон ва бошқа хилтлар қизиб, фасод бўлиши ва куйиши, бадан юзасида яра ва жароҳат пайдо қилиши, ҳатто кўпроқ таъсир қилганда қонни бузиб, жузом, яъни мохов иллатини ёки заҳм пайдо қилиши, аввалда шундай касаллик пайдо бўлиб, сўнг тузалгандан кейин бўлса ҳам, яна ўша касаллик қайтгани каби офатлар кўпдир. Ҳеч қандай зарар қилмаганда ҳам инсонда ўзини бошқаролмаслик, бировнинг насиҳатини қабул қилмаслик ва бадахлоқлик офатларини, шубҳасиз, пайдо қилади.

Демак, табиатнинг таомни ҳазм қилишга диққатини жалб қилиш ва ортиқчасидан ҳазар қилишни эсдан чиқармасликка ҳаракат қилиш керак. Агар таомнинг ўзи лаззатли бўлса унга бошқа зираворлар қўшиш сазовор эмас.

Овқатдан сезиладиган лаззатларнинг даражаси бир-биридан фарқли бўлгани учун шу овқатдан баданга қанча миқдор фойда бўлишининг ҳукми ҳам шу тановул қилинган овқатга нисбатан бўлади.

### Гўштлар ва уларнг фойдалари

Билмоқ керакки, мўътадил мизожли киши учун мутлақ овқатларнинг энг яхшиси гўшт ва нондир, шу шарт биланки, агар унга одат қилинган бўлса. Йўқса, гуручга одат қилган кишилар учун гуручнинг истеъмоли яхшидир.

### Гўштларнинг яхшиси

Гўштларнинг ҳаммадан яхшироғи барра қўйнинг гўшти, ёш эчкининг гўшти, бузоқнинг гўшти ва буқанинг гўштидир. Аммо барра бир ёшли бўлиши шарт, чунки бир ёшдан кам бўлса унинг рутубати ғолиб бўлади ва ундан кўпроқ балғам ҳосил бўлади. Баррага нисбатан ёш эчки ва бузоқ гўшти афзалдир, чунки улар мўътадил мизожли бўлади. Уларнинг ёшлари ҳарорат билан бирга рутубатни тақозо қилади. Ҳар қандай овқатнинг ҳарорати ва рутубати кўп бўлса ундан кўпроқ фойда ҳосил бўлади. Бир ёшли эчки ва бузоқ иссиқ ва совуқни ҳўл ва қуруқни тақозо қилувчидир. Бу тўрт кайфиятни тақозо қилиш айни мўътадилликдир.

**(Давоми бор)**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган**

Газетанинг навбатдаги сони 10 декабрда чиқади.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

12 45

Буюртма Г- 1106

Топширилган вақти: 17.50